

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ЭКОТИЗИМ АСОСИДА ТА ҮЛИМ-ТАРБИЯ

БЕРИШНИНГ АХАМИЯТИ

Кубаева Мавлуда Бахтиер кизи

Узбекистан, Навоий давлат педагогика институти

Мактабгача таълим кафедраси мустакил тадқикотчиси mavludakubaeva90@gmail.com.

Аннотация. Мазкур маколада мактабгача ёшдаги болаларга экотизим буиича таълимтарбия бершида экологик муносабатларни жуда муҳимлиги, экотизимларга мисоллар билан баён этилган.

Калим суз. Мактабгача ёши, экологик муносабатлар, экотизим, атроф-муҳим.

ВАЖНОСТЬ ЭКОСИСТЕМНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ДЛЯ ДОШКОЛЬНИКОВ

Кубаева Мавлуда Бахтиёр кизи

Узбекистан, Навоийский государственный педагогический институт

Научный исследователь кафедры "Дошкольное образование"

Аннотация. В данной статье описывается значение экологических отношений в обучении детей дошкольного возраста об экосистемах, на примерах экосистем.

Ключевое слово. Дошкольный возраст, экологические отношения, экосистема, окружающая среда.

THE IMPORTANCE OF ECOSYSTEM-BASED EDUCATION FOR PRESCHOOL CHILDREN

Kubaeva Mavluda Bakhtiyor qizi

Uzbekistan, Navoi State Pedagogical Institute

Independent researcher of the Department of Preschool Education

Annotation. This article describes the importance of environmental relations in the education of preschool children on ecosystems, with examples of ecosystems.

Key word. Preschool age. ecological relations, ecosystem, environment.

Узбекистан Республикаси Президента Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 пил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида курсатилган 2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Узбекистоннинг тараккиёт стратегиясининг 39-максадига кура мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги боскичга олиб чикиш хамда мактабгача таълим-тарбия

етказилишини урганиши а озим саналади. Мактабгача таълим ташкилотларида экологик таълим буйича маппулотлар ушбу муаммоларни хал килишнинг йули, десак тугри булади.

Богчаларда экологик таълим-тарбия бериш, утла мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этила бошланган 30-йилларданок, бошланган. Бирок, унда экологик тарбия концепцияси хозиргидек аник ишлаб чикилган дастурлар, режалар асосида эмас, балки у ёки бу таълим-тарбия йуналишига мослаб, йул-йулакай болалар онгига сингдириб борилган. Уша даврда, экологик тарбия купрок табиатта сайрлар давомида билим бериш оркали сингдирилган. Аммо, бушда асосий эътибор купрок болаларни теварак-атроф табиати билан ташшитиришта каратилган. Холбуки, бола табиатнинг оддий кузатувчиси эмас, балки унинг асровчи, химоячиси булиб етишганда гина экологик тарбия уз максадига эришган хисобланади.

Шуни хисобга олиб, аста-секин болаларнинг табиат хакидаги дунёкарашларини устириш, табиатга нисбатан меҳрини ошириш, гамхурлигини шакллантириш чора- тадбирлари курила бошланди. Натижада, 50-йилларга келиб, бояга тарбияланувчиларининг экологик тарбияси илмий-назарий жихатдан таҳлил килишга каратилган таълим дастурлари аста-секин юзага кеда бошлади ва улар йилдан йилга яхшиланиб, бойиб борди.

Мактабгача ёшдаги болалар учун экологик таълим мазмунини танлашда экологиянинг турли йуналишларининг мавжудлиги хам хисобга олиниши керак.

Биламизки, "экология" сузи юон тилидан таржима килиниб, - уй, тураг жой хакидаги фан ("оикос" - уй, "логос" - фан) саналади. Утган асрда зоологиянинг бир киеми сифатида пайдо булган экология тирик организмларнинг атроф-мухит ва бир-бири билан муносабатлари хакидаги фан сифатида таърифланган. Эндиликда бу йуналиш биологик ёки классик экология деб аталади. Жамият тараккиёти билан бу фан бизнинг асримизда ижтимоий ахамият касб этиб, табиий фанлар доирасидан чикиб кетди. 20- асрнинг урталарида экология мутахассислигидан катъи назар, барча одамлар орасида кенг урганилмоқда.

Кейинги йилларда экологиянинг янги соҳалари жадал ривожланмокда - жамият ва табиат уртасидаги муносабатларни куриб ЧИКУВЧИ ижтимоий экология, а.малий экология (ёки табиатни муҳофаза кишиш, инсон эколотяси ва бошкалар.

Хозирт вактда "экология" сузи гайриоддий тарзда машхур булиб, коида тарикасида, "фалокат", "хавф", "инкиroz" каби биз учун унчалик ёкимли булмаган сузлар билан кушилиб кулланилади. Колаверса, бу тушунча "калб экологияси", "мутика экологияси", "нутк экологияси", "маданият экологияси" каби ибораларда купинча узининг асл маъносидан анча йирок янги маъно касб этди. Албагта, бу атамаларнинг хар бири узига хос маънога эга булиб, бирок "экологя" сузи купинча чиройли эшгитилиш учун ишлатилади. Масалан, "калб экологияси"да (яъни, одоб, ахлок муаммолари билан

шутгулланадиган) уқитувчилар жуда муҳим булган тарбиявий жихатни - шахсни, жумладан боланинг табиатта, атрофдаги дунёга муносабатни шакллантиришади.

Шубҳасиз, ахлокий тамойил боланинг экологик тарбияси учун жуда муҳимдир. Бундан ташкири, табиат конунларининг хаммаси хам и неон нуктаи назаридан ахлокий эмас. Инсон зур ахлокий фазилатларга эга булиши мумкин, бирок табиат конунларини билмасдан, у атроф-мухитга карши харакатлар килади. Масалан, инсон одоб-ахлоки конунларига риоя килган холда, уядан тушиб кеттан палохмонни куткаришга уринаётган бола уни кутаради. Шундан сунг, куп холларда, күшча улади. Бинобарин, ахлокий фазилатлар элементар экологик билимлар билан уйгуналишиши керак, шутздагина инсоннинг табиатта муносабати экологик жихатдан максадга мувофик булади.

Биз тез-тез "ёмон, яхши, даҳшатли, аянчли экология" ибораларини эшитиб турамиз. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, экология фан сифатида ёмон ёки яхши булиши мумкин эмас. Биз факат экологик вазиятни баҳолашимиз мумкин. Вазият (нормал, ёмон, хавфли, хавфеиз ва хоказо) дея баҳоланади. Сушти Дилларда атроф-мухит хакидаги маълумотлар тобора купрок хаётимизга кириб бормоқда, аммо биз уни тутри баҳолаш учун хар доим хам етарли билимга эга эмасмиз. Шу

билан бирга, биз экологик хавф манбалари якинида яшаймиз, уларншг соглинзмизга таъсирини билмаймиз. Транспорт ла рнинг купайиши натижасида атроф-мухит ифлосланиши куп булган автомагистраллар якинида сабзавот етиширамиз, дарёларда сузамиз ва баликтутамиз.

Биз факат давлатимиз атроф-мухит холатига таъсир килиши мумкинлигига ишонамиз ва табиатта эҳгиёткорлик муносабатини шаклланиши бизга боғлик эмас деган фикрда улгаямиз. Бу нуктаи назар куп жихатдан узок вакт давомида аксарият таълим муассасаларида экологияга урин йуклиги билан тавсифланди. Бирок, истеъмолчининг табиатга булган муносабати, уни асраш ва уни уз хошишига кура яхшилаш истагини илк болалик давридан тарбиялаш жуда муҳим лиги сунгш Дилларда сезиларли холда юзага келмоқда.

Экотизим ёки экологик тизим (юононча oikos - туарар жой, жойлапгув ва тизим), тприк организмлар (биоценоз) ва уларнинг яшаш мухити (инерт, масалан, атмосфера ёки биоинерт) томонидан хосил булган табиий комплекс (био-инерт тизим) тупрок, сув ва бошқадлар.), материя ва энергия алмашинх'ви билан узаро бояланган. Турли хил мураккаблик ва улчамдаги объектларга таалукли эколопгянинг асосий тушунчаларидан бири.

Экотизимларга мисоллар - унда яшовчи усимликлар, баликлар, умурткасизлар, микроорганизмлар, туб чукиндилари булган, хароратнинг характерли узгаршипи, сувда эриган кислород микдори, сув таркиби ва бошкалар билан маълум биологик маҳсулдорликка эга булган ховуз; урмон плести, тупрок, микроорганизмлар, кушлар, утхурлар ва йирткич сут эмизувчилар яшайдиган, хаво харорати ва намлиги, ёргулик, тупрок суви ва бошка мухит омилларининг характерли таксимланиши, узига хос метаболизм ва энергия билан урмон. \$'рмондаги чириган чупни, унда яшайдиган организмлар ва яшаш шароитларини хам экотизим деб хисоблаш мумкин.[3]

И.А.Хайдурова томонидан олиб бориленган тадқикот иши болаларда табиий экотизим хакидаш гояларни шакллантириш имкониятини курсатган биринчи иш саналади. Тадқикотда болаларни усимлик дунёсидаги хаётин муносабатларни тушунишга боскичма-боскич олиб боришнинг изчили тизими тақдим этилган.[5]

И.А.Хайдурова уз тадқикот иши да, мактабгача ёшдаги болаларга аввало ташки мух'итнинг хар бир ом илида алохида-алохида хонаки усимликларнинг усиб, ривожланиши курсатилиб берилган.[5] Бунда болалар усимликлар учун сув, иссиклик, ёргулик, туйимли тупрокка мухтожликни билиб олишган. Кейинги боскичда улар билан бир вактнинг узида усимликларнинг хаёти учуй зарур булган шарт-шароитларнинг бутун мажмуаси куриб чикилган: болалар гулни куш сугориш мумкин эмаслигини тушунишган, лекин айни пайтда унга ёргулик ва иссиклик лозим эканлигини ургангандар. Тарбияланувчиларга усимликтин нафакат сугориш ва тугри жойга куйиш, балки озука моддаларига бой янги тупрокка уз вактида кучириб утказиш накадар муҳимлиги курсатилган. Шундан кейин, болаларни ер участкаларида усади ган усимликларнинг мавсумий хаёти билан танишириш булган. Мактабгача ёшдаги болалар дараҳтлар, буталар, утларнинг турли холатини куришган ва улар билан мунозара булиб утган. "Хозирги вактда усимликларга нима етишмаяпти? Нима учун улар бундай холатга келишди?" каби саволлар билан мурожаат этил ган. Болалар кузда кандай килиб СУВ куп булишини, тупрокда озука моддаларининг куплигини кузатишган, бирок кунларнинг кискариб бориши хисобига ёргулик ва иссиклик микдори камайиши, натижада барглар саргайиши ва тушиши, утлар саргайиши ва куриши, барча усимликлар кишга тайёрланишини кузатиб боришган. Кишнинг кизпиш палласида, болалар яна усимликларнинг холатини ха мда уларга керак булган шарт-шароитларни кузатишиб, урганишган ва узларининг нуктаи назаридан келиб чикиб мухокама килишган: "кучадаги барча усимликларга хозирда иссиклик, ёргулик, сув етишмайди, шунинг учун улар усмайди, яшил булиши мумкин эмас".

Йилнинг илик кунларида хам хонаки усимликлар хаки да пт сухбатлар кизикарли булган: болаларга баҳорги мавсум шарт-шароитларининг мажмуи ортиб бориши курсатилган (кун узайиши - ёргуликнинг купайиши, исиши, кор ва музларнинг эриши каби), бунинг натижасида,

дарахтлар ва буталар уйгонши - ер осидан илк яшил утлар пайдо булиши. Езда усимликлар хаёти учун барча зарур шароитлар етарли булиб, бунинг натижасида хамма нарса тез усиши, гуллаши, шиншиши ва мева бериши хакида сухбатлар олиб борилган.

Болалар томонидан экологик билимларни янада чукурлаштириш турли усимликларнинг турли хил атроф-мухит омилларига (иссиклик, ёргулик, намлик, тупрок) булган дифференциал эҳтиёжларини ривожлантириш йуналишпи буйича утган: баъзи ёпик усимликлар купрок намлика мусутож, бошкалари - кам рок ёки жуғда кам талаб килиши урганилган. Шунингдек, баъзи усимликлар жуда куп ёрутликка муҳтоҷлиги, кӯёшда туршпни яхши куриши, бошкаларига эса кӯёш ёмон таъсир этиши ва бундан усимлик азоб чекиши урганилган. Мактабгача ёшдаги болаларга ёпик жойларда устирилган усимликлар уйун энг тугри га.мхурлик факат турли хил экологик омилларга индивидуал эҳтиёжларини хисобга олган холда амалга оширилиши мумкинлиги курсатилган. Сунгти боскичда, мактабгача ёшдаги болаларга умумий қарамликнинг энг мураккаб куриниши - жамоадаги усимликларнинг хаёти (урмон, утлок экотизимларида) курсатилган; баъзи усимликларнинг бошкаларга атроф-мухитни яратувчи таъсири аник/Чанган, яъни, табиатнинг хамма жойида мавжуд булган усимликлар жамоаларининг биоценологик бодликлигини курсатилган. Болалар учта бутиннинг бодланишини тушунгандар: усимлик-мухит-усимлик. Фитоценоз таркибига кирувчи маълум бир усимликнинг холати ва хаётини фаолияти нафакат жонсиз табиат



924

[Scientific BiiHettin of NauiiSU-Научный еестник НамГУ-УамРГ Ниив а.\boroniomasi-2022-yil 5-con](#)

омиллари билан, балки ушбу усимлик жамоасини ташкил этувчи бошка усимликларнинг таъсири табиати билан бодлик холда хам куриб чикилган: урмонда дараҳтлар соябон остида, ёргулик жуда кам, факат сояга чидамли утлар, кӯёш иури куп булган утлоқда, аксинча, ёргуликни яхши курадиган усимликлар куп усиши куриб чикилган.

Шундай килиб, И.А.Хайдурованинг тадқикотлари капа ёшдаги мактабгача ёшдаги болалар нафакат усимликлар хаётининг экологик омиллар мавжудлигига бодликлигини урганишлари, балки ушбу билимлар асосида жамиятдаги усимликларнинг хаётини хам тушуншлари мумкинлигини исботлади.[5]

Яна бир Россиялик олим З.П.Плохийнинг тадқикот шли мактабгача ёшдаги болаларнинг экологик таълимига бодлик булиб, унда 5-6 ёшли болаларнинг хайвонларга гамхурлиги, эҳтиёткор муносабатда булиши шарт-шароитларини аниклашдан иборатдир. Тадқикотчи шинни кишлоп муҳитидаш болалар бодчасида табиатни ва унда яшовчиларнинг кузатишлари асосида амалга оширган. Йилнинг турли вактларида болалар утлок усимликлари холатини, хашаротлар ва күшларнинг хапи-харакатларини, мавсумий узгаришларни кузатишган. Капалар уларга амалдаги узгаришларнинг сабабларини аниклашга ёрдам берган булиб, мактабгача ёшдаги болалар табиатдаги алокалар ва бодликларни урнатишнинг бешта бугинлар занжирини тушуниб ургангандар: хаво харорати - тупрок харорати - усимлик холатидаги узгаришлар - хашаротлар хатти-харакатларидағи узгаришлар - күчманчи күшларнинг хатти- харакатларидағи узгаришлар[4]

Тадқикот муаллифи болалар ва турли жамоаларда юзага келадиган муносабатларнинг бошка занжирларини тушуниш имкониятини хам исботлаб берган булиб, яъни: сунъий равиша яратилган мини-экотизим сифатида куриб чикилиши мумкин булган аквариум объектлари, инсон фаолиятининг бодликлиги, хайвонларнинг табиатдаги яшаш жойлари ва уларнинг холати. Шундай килиб, тадқикот болаларда табиатнинг яхлитлиги, экотизим холатининг унинг индивидуал алокалари холатига бодликлиги хакидаги гояларни шакллантириш имкониятини исботлаган.

Капа мактабгача ёшдаги болаларда утлок биоценози хакидаги гояни шакллантирган В.Г1.Арсентьеванинг тадқикот ишида, утлок-тар туркуми билан маҳсус режалаштирилган танишувга эга булган болалар, унинг аъзолари узаро таъсирининг нозик томонларини

урганишлари мумкин деган гояни илгари суради. Болалар баҳор бошида, ут кам булганда, хайвонлар (сичконлар, кунгизлар, куртлар) пайдо булишини, утлок ва ерда яшаши ва озиктанишини тушунишади. Кейин гулли усимиллар пайдо булган даврда асаларилар, ари, капалаклар - усимилларнинг нектар ва гул чанглари билан озикланадиган хайвонлар утлокка учиб кетишини урганади. Утлоклар туркумини узок муддатли кузатиш болаларга усимиллардан иирткичларгача булган бир катор бугинлардан иборат озик-овкат занжирини тушунишга имкон берди.[2]

Хулоса урнида шуни айтиш лозимки, тадқикот ва амалиёт капа мактабгача ёшдаги болалар экотизимлардаги экологик муносабатларни акс эпирувчи табиат хакидаги луда мураккаб билимларга эгалигини курсатди.

Фойдаланилган адабитлар:

925

Scientific Bulletin of NamSU Нагчыйн вестник НамГУ NamDU ilmiv axboroniomasi 2022 yil 5 son

1. Узбекистан Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022—2026 йилларга мулжалланган Янги Узбекистоннинг таракқиёт стратегияси тутрисида"ги ПФ—
60-сон Фармони
2. Арсентьева В.П. Формирование представлений о биоценозе у детей старшего дошкольного возраста (на примере луга). Автореф. дис.... канд. пед. наук — М., 1998. С. 22.
3. Николаева С.Н. Система экологического воспитания детей дошкольного возраста. Диссертация на соискание ученой степени доктора педагогических наук. Москва-2006.
4. Плохи» 3.11. Формирование бережного и заботливого отношения к природе у детей 5-го и 6-го года жизни (на материале животного мира). Автореф. дис. канд. пед. наук — Киев, 1983. С. 24.
5. Хайдурова И.А. Формирование у детей старшего дошкольного возраста системы знаний о растительных сообществах и Умственное воспитание детей дошкольного возраста. — Л., 1976.
6. Mavluda B. Kubayeva. IMPLEMENTATION OF VISUAL-DIDACTIC GAMES IN ECOLOGICAL EDUCATION OF STUDENTS OF PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. // CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES, 2022-01-12
7. Mavluda Bakhtiyor Qizi Kubaeva. THE USE OF VISUAL TECHNOLOGIES IN ECOLOGICAL EDUCATION OF CHILDREN AS A PEDAGOGICAL PROBLEMS. // CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 2021-06-09

